

Ота онага вафотидан сўнг яхшилик қилиш (учинчи мақола)



11:00 / 15.12.2020 1986

4. Ота-онанинг дўстлари, яқин кишилари ва қариндошларини икром қилиш.

Шу йўл билан фарзанд ота-онасига улар ўтиб кетганларидан кейин ҳам яхшилик қилиши, орқаларидан савоб етказиб туриши мумкин. Бу билан худди уларга тириклиқ чоғларида яхшилик қилгандек бўлади.

Ота-онанинг дўст ва дугоналарига уларнинг вафотларидан кейин яхшилик қилинса, ота-онанинг рухи шод бўлади, боласи уларга ўлимларидан кейин яхшилик қилган бўлади.

مَلَسَ وَهُيَلَعُ لَلِا ىَلَصَّ يَبْنَ لَرَبْ حَنْبَرْ كَبْرَ كَبْرَ بَأْنَعْ
دُولَانِ إِلَاقَ مَلَسَ وَهُيَلَعُ لَلِا ىَلَصَّ هَلَلَ اَلْوُسَرَنَ اَكْتَبَ فَكَ إِلَاقَ
بَدَلَا يَفَرَّا حُبْلَا هَاوَرْ ثَرَاؤَتُي

Абу Бакр ибн Ҳазмдан, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларининг биридан ривоят қиласи:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дўстлик мерос қолдирилади», - дедилар».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Ота-она ким билан дўст бўлса, дўстлик алоқаларини сақласа, улар ўтгандан кейин ана шу дўстлик алоқаси фарзандларга мерос бўлиб қолади. Фарзандлар мазкур меросни давом эттиришлари керак бўлади.

Бу ишни саҳобаи киромлар қойиллатганлар.

،ةَّكَمْ قِيَرَطْبُهَيْقَلْبَأَرْعَأَلْنَمْ لَجَرَنْأَلْنَمْ صَرَرَمْعَنْبَأَنَعْ
تَنْأَكْهَمَأَمْعُهَاطْعَأَوْهَبَكْرَيَنْأَكْرَامْحَىَلَمَحَوَرَمْعَنْبَأَهَيَلَعَمَلَسَفَ
نَصَرَيَمَهَوْبَأَرْعَأَلْأَمْهَنِإِهَلَلَكَحَلْصَأَرَانِيَدُنْبَأَلَأَقَفَوَسْأَرَىَلَعَ
يَنْأَوْبَأَطْحَلَرَنْبَرَمْعَلَأَدُونَأَكَأَدَهَأَبَأَنِإِهَلَلَأَذْبَعَلَأَقَفَوَرِيَسَيْلَابَ
هَلَصَرَبْلَاَرَبَأَنِإِهَلَوَقَيَمَلَسَوَهَيَلَعَهَلَصَهَلَلَوَسَرُثْعَمَسَ
يَذْمَرَّتَلَأَوَدُوَادَوَبَأَوْمَلَسُمُهَاَوَرَهَيَبَأَدُونَهَلَوَلَ

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аъробий Макканинг йўлида у кишига учраб қолди. Ибн Умар унга салом берди ва уни ўз эшагига миндирди. Кейин унга бошидаги салласини берди. Шунда ибн Динор унга:

«Аллоҳ сенинг ишингни ўнгласин. Булар аъробий, оз нарсага ҳам рози бўлаверадилар», - деди.

«Бунинг отаси Умар ибн Хаттобнинг оғайниси эди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта, яхшиликларнинг яхшилиги бола отасининг оғайнисига сила қилишидир», деганларини эшитган эдим», - деди».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Бизлар ҳам бу нарсага амал қилишимиз лозим. Отамизнинг дўстлари, онамизнинг дугоналарига яхшилик қилсак, уларни зиёрат қилиб, ҳолидан хабар олсак, оғирини енгил қилсак, дуосини олсак, ота-онамизга уларнинг вафотларидан кейин яхшилик қилган бўламиз.

Ушбу ҳадисда ота-онага уларнинг вафотларидан кейин яхшилик қилиш доирасида қариндошларга силаи раҳм қилиш ҳам айтилган.

(Давоми бор)

«Бахтиёр оила» китобидан